

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УЛЖАЕВ ЭРКИН

**МАШИНА-ТРАКТОРЛИ АГРЕГАТЛАРНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН-
ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗОРAT ВА ДИАГНОСТИКА
ҚИЛУВЧИ МАСОФАВИЙ ТИЗИМ**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Улжаев Эркин

Машина-тракторли агрегатларнинг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилувчи масофавий тизим.....3

Улжаев Эркин

Дистанционная система контроля и диагностирования эксплуатационно-технологических параметров машинно-тракторных агрегатов.....29

Uljaev Erkin

Remote system for monitoring and diagnosing operational and technological parameters of machine-tractor aggregates55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УЛЖАЕВ ЭРКИН

**МАШИНА-ТРАКТОРЛИ АГРЕГАТЛАРНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН-
ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗОРAT ВА ДИАГНОСТИКА
ҚИЛУВЧИ МАСОФАВИЙ ТИЗИМ**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T343 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Игамбердиев Хусан Закирович

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Гулямов Шухрат Манапович

техника фанлари доктори, профессор

Назаров Абдулазиз Муминович

техника фанлари доктори, профессор

Плахтиев Анатолий Михайлович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техник университети ҳузуридаги DSc.03/30.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “13” “06” соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (150 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил “06” “06” кuni тарқатилди.
(2020 йил “01” “06” даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Н.Р. Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

У.Т.Мухамедханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда энерго- ва моддий сарф-ҳаражатларни тежовчи юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида янги усуллар, техник воситалар, турли ўлчов асбоблари, назорат, диагностика ва бошқаришнинг масофавий тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда етиштирилган маҳсулотларни, масалан пахтани сифатли йиғиб олиш ишларини амалга оширишда назорат қилувчи техник воситаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, пахтани сифатли териб олишга таъсир этувчи пахта териш машинасининг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш асбобларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда назорат қилинадиган объектларнинг турли параметрлари, хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотларни олиш ҳамда мураккаб иқлимий, рельефли ва агрессив шароитларда ишлайдиган асбоблар ва техник воситаларнинг ҳолатини назорат ва диагностика қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича кенг миқёсдаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу сабабдан, метрологик тавсифларга, маълумотларнинг юқори аниқлиги ва ҳақиқийлик талабларига жавоб берувчи, назорат қилинадиган объектларнинг ишлаш ишончилиги бўйича назорат ва диагностика қилувчи тизимларнинг технологик параметрларини тезкор ўтказилишига имкон берувчи усуллар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда динамик объектларнинг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш, уларни бошқариш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш, тегишли техник воситалар ва усулларни ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан: "... саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш"¹. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан машина-тракторли агрегатларнинг ишлаш режимларини назорат ва диагностика қилиш тизимининг янги интеллектуал мосламалари ҳамда лойиҳалаштириладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳаллий қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозларнинг унумдорлигини ва сифатини оширувчи замонавий микропроцессорли назорат ва бошқарув тизимлари билан жиҳозлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» ҳамда IV “Ахборотлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Харакатдаги ва стационар машиналар, агрегатлар, учувчи аппаратлар, тиббиёт ва энергетика жиҳозлари, машина-трактор агрегатларининг узелларини ишлаши ва эксплуатацион-технологик параметрларини тегишли алгоритмик ва дастурий таъминоти билан масофавий назорат ва диагностика қилиш тизимларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан General Electric Transportation (АҚШ), LIEF халқаро лабораториясида, Hitachi, Mitsubishi Electric (Япония), Institute of Communications Tehnology Hannover, Siemens, AEG, SEL., Брауншвейг техника университети (Германия), Vaumbardier transportations (Канада-Швеция), Wecan Argotexservis (Жанубий Корея), Chinese Association of Automation (Хитой), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техник университетида, Москва транспорт муҳандислари институти, машина-тракторли агрегатларни синаш бўйича Кубань илмий-тадқиқот институти, қишлоқ хўжалигини электрификациялаш ва механизациялаш Санк-Петербурги институти, машина ва агрегатларни автоматлаштириш бўйича Беларус конструкторлик бюросида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ноаниқликлар шароитларида динамик объектларни назорат қилиш ва бошқариш жараёнларини интеллектуаллаштириш моделлари, усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидагилардан иборат бир қатор натижалар олинган: учувчи аппаратларни бошқаришнинг интеллектуал борт тизими (Jonson Space Centre, АҚШ); автомобилларда микроклимни бошқаришнинг интеллектуал тизими (Hitachi, Япония); экспериментал тиббиёт тизими (Kawasaki Medikal School, Япония); Нанвоку метрополитен линияси поездлар ҳаракатланишини бошқариш тизими (LIEF халқаро лабораторияси, Япония), интеллектуал роботлар (Ibraki University, Япония);

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг шарҳи қуйидагилар асосида тузилган: <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.refdt.ru>, <http://www.km.ru>, <http://osp.ru/os>, http://www.cataarc.ac.cn/ac_en, <http://en.caa.org.cn/>, <https://www.springer.com/gp/book/9783319620411> ва бошқа манбалар.

интеллектуал микроконтроллерлар (Department of Electron and intelligent System, АҚШ); автоматик назорат, бошқариш ва ҳайдовчини хабардор қилиш тизими билан жиҳозланган JohnDeere, CaseIH, CLAAS, Massey-Ferguson, Ford, WhiteStagier, FIATagri, Renault, KHD, Fendt, Mercedes-Benz тракторлари; DickeyJohn, TRW, Micro-Track, LNAgro, BDS Technology, JohnDeere ихтисослаштирилган тракторлари ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг алоҳида параметрларини автоматик назорат қилишнинг тизимлари; Vision Trac. John Deere компаниясининг дон ва шоли йўқотишларини камайтириш ва сифатини оптималлаштириш учун комбайнни интерактив бошқариш (ICA) тизими; БК402 русумли электрон-ҳисоблаш машинаси.

Дунёда замонавий ахборот технологияларнинг ютуқларини жалб этган ҳолда машина-тракторли агрегатларнинг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиниши масофавий тизимларни ишлаб чиқиш бўйича қатор истиқболли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: таянч маълумотларнинг ноаниқликларини ҳисобга олган ҳолда математик моделлари ва технологик жараёнларнинг параметрларини назорат қилиш ва бошқариш жараёнларини интеллектуаллаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш; горизонтал-шпинделли йиғиштирувчи аппаратларнинг динамик жараёнларни моделлаштириш; агросаноат комплекси ва унинг техник сервисини ривожланиш; агросаноат комплекси учун машиналар тизимини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалигини электрификациялаш; тадқиқ этиладиган тизимнинг ташқи ва ички маълумотларини ноаниқликлар шароитларида юқори самарадорликка ва унумдорликка эга пахта териш аппарати ишчи органларини яратиш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Назарий ва амалий вазифаларни тадқиқ этилишининг масалалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда кўчма ва стационар характерга эга объектларни диагностика қилиш тизимларини тадқиқ этиш ва яратиш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилган. Дунё тадқиқотларининг натижалари бўйича турли объектларнинг технологик параметрларини назорат қилиш ва сигналлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва яратиш назарияси ва амалиётининг ривожланишига А.А.Андреев, М.М.Арановский, М.М.Арашевский, В.С.Бурцев, Е.Н.Вавилов, Э.Э.Гасанов, С.П.Гельфенбейн, С.А.Гинзбург, Ю.В.Гуляев, С.А.Иофинов, Б.Г.Лазеров, В.А.Павлык, Е.И.Пийл, Г.Н.Портной, А.И.Репин, А.Н.Савельев, В.Р.Сабанин, С.И.Самойленко, Ch.W.Bachman, D.Ritchi, E.F.Codd, C.J.Date, AlanTurin, E.N.Gilbert, R.C.Bose, DanishJamil, Д.А.Голушко, А.С.Макаров, Р.О.Изерман, Орлов, А.Е.Стецюк каби хорижий олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Турли объектларнинг параметрларини автоматик назорат қилиш, сигналлаштириш ва бошқариш тизимлари маълумотларини ҳаққонийлаш назариясини ривожлантириш ва амалий яратишда А.Д.Абдазимов, И.Н.Азаров, С.Р.Аликулов, В.В.Байдюк, Т.Ф.Бекмуратов, А.Д.Глущенко, Ю.В.Гроховский, И.П.Гельфенбейн, Ш.М.Гулямов, Х.З.Игамбердиев, М.М.Камилов, А.И.Корсун, А.Р.Марахимов, Р.М.Матчанов, М.М.Мусаев, М.М.Мухиддинов, А.Ризаев, А.С.Садриддинов, М.Т.Тошболтаев,

Ю.Г.Шипулин, Н.Р.Юсупбеков каби мамлакатимиз олимлари катта ҳисса қўшганлар. Шу билан бирга, илмий нашрларда машина-тракторли агрегатларнинг ишчи узелларини ишлаши ва уларни диагностикалаш математик моделларини яратиш масалалари, узелларнинг ишчи параметрларини масофавий назорат қилиш, унинг ҳолатини диагностикалаш ва бошқариш тизимини интеллектуал алгоритмлари, тўлиқ ноаниқликлар шароитларида ҳосилни йиғиб олувчи машиналарнинг сифати ва унумдорлигини ошириш бўйича истиқболли усуллар етарлича кўриб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-080-сон “Мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни бошқарадиган интеллектуал тизимларнинг қурилиш концепцияси ва принципларини ишлаб чиқиш” (2007-2011), Ф-4-56-сон “Ноаниқли-кўп сонли тақдимотлар асосида мураккаб технологик объектларини интеллектуал бошқарув тизимларини тузилмавий-параметрик синтез қилишнинг назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқиш” (2012-2016), ИОТ-2015-4-5-сон “Пахта машина-трактор агрегатларининг фойдаланилишли ва технологик жараёнларини назорат қилиш ва сигналлаштириш микропроцессорли борт тизимининг тажриба намунасини жорий қилиш (ТТЗ-811 русумли трактор базасидаги МХ-1,8 пахта териш машинаси мисолида)” (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта териш машиналарининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилишнинг масофавий назорат тизими ва унинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асосий назорат ва диагностика қилинадиган эксплуатацион-технологик параметрларни асослантириш ва танлаш;

пахтани териш машиналарининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилишнинг масофавий назорат тизимини локал ва умумлаштирилган тузилмавий, принципиал схемаларини синтез қилиш;

пахта териш машиналарининг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш аниқлигини оширувчи усулларни ишлаб чиқиш;

назорат ва диагностика қилиш датчикларини ўрнатиш жойларини ишлаб чиқиш, танлаш ва асослантириш;

объектларнинг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш масофавий тизимининг алгоритмик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

илмий тадқиқотларнинг олинган натижалари асосида назорат ва диагностика қилиш масофавий тизимининг тажриба намунасини ишлаб чиқиш;

пахта териш машиналари параметрларини назорат ва диагностика қилувчи тизимни хатоликларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти масофавий тизимнинг техник воситалари, пахта териш машиналарининг эксплуатацион-технологик параметрларини, узеллар ишини назорат ва диагностика қилиш алгоритм ва усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети этиб, назорат ва диагностика қилиш усуллари ва алгоритмлари, назорат ва диагностика қилиш масофавий тизимнинг техник воситалари ва унинг қурилиш тузилмаси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, мантиқий алгебранинг математик аппарати, тузилмавий оптималлаштириш, технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш ҳамда ўлчовлар хатолигини баҳолаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таянч маълумотларни ноаниқликлар шароитларида бул функцияларини қўллаш асосида пахта териш машиналарининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилишнинг математик моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

кириш бошқарув сигналлари, қўзғатувчи таъсирлар ва ички ишчи узелларнинг ҳолатига кўра пахта териш машиналарининг сифат кўрсаткичларига баҳо берувчи мантиқий математик модели ишлаб чиқилган;

машина-тракторли агрегатларнинг иш режимларини назорат ва диагностика қилиш интеллектуал алгоритмлари ишлаб чиқилган;

пахта териш машиналарининг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш бўйича ишлаб чиқилган тизимнинг борт ва аппаратли қисмлари орасида маълумотлар тезкор алмашинувини таъминловчи алгоритмлар ишлаб чиқилган;

пневмотранспорт камерасининг ҳолатини, шпинделлар ва вентиляторларнинг айланиш тезлигини ҳисобга олувчи пахта териш машиналарининг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш тизимининг математик модели ишлаб чиқилган;

айланиш тезлигига, қурилманинг ишлаш частотаси ва айланувчи механизмнинг сезувчан элементларининг миқдорига боғлиқ бўлган, айланувчи механизмларнинг тезлигини назорат қилишнинг муҳандислик услубияти ишлаб чиқилган;

пахта териш машинасининг эксплуатацион шароитларига мос равишда машина-тракторли агрегатларнинг мажмуавий эксплуатацион кўрсаткичларини назорат қилиш ва қайд этиш бўйича масофавий тизим учун дастурий симулятор ишлаб чиқилган;

пахта териш машинасининг ишчи режимларини назорат қилувчи ва бошқарувчи интеллектуал ахборот-ўлчов тизими таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

машина-тракторли агрегатларнинг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш бўйича масофавий тизим ишлаб чиқилган;

пахта териш машиналарининг эксплуатацион-технологик параметрларини тезкор назорат қилиш ва башоратлаш, оператор учун мақбул бўлган кўринишда уларни намойиш этиш, носозликлар сабаблари ҳақида хабарларни бериш, ишлаш ишончилигини оширишга имкон берувчи алгоритмлар ва дастурий воситалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишлаб чиқилган назорат ва диагностика қилиш масофавий тизими ва яратилган математик моделнинг адекватлиги ҳамда тажриба синовлари натижаларини замонавий усуллар ва воситаларни қўллаш орқали олинган назарий ва экспериментал тадқиқотларни натижаларига мувофиқлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мантиқий алгебра математик аппаратини қўллашга асосланадиган назорат ва диагностика қилиш масофавий тизимлари қурилишининг илмий-назарий асосларини такомиллаштирилиши, қўшимча назорат сигнали ва узатиладиган ахборотларни такрорлаш орқали ноаниқ диагностик функцияларни чиқариб ташлашга асосланган назорат қилинадиган параметрларнинг ҳолатини назорат ва диагностика қилиш аниқлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта териш машиналарининг технологик параметрларини назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган масофавий тизимнинг қўлланилиши, уларнинг унумдорлигини 5% гача ошириш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта териш машинасининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта териш машиналарининг шпинделлари айланиш тезлигини назорат қилувчи қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05526, 2014 й.). Натижада пахта териш машинаси ишчи узелларининг носоз ишлаши ҳисобига ҳосил бўладиган пахта исрофининг камайишига имкон берган;

таянч маълумотларни ноаниқликлар шароитида буль функциясини қўллаш асосида пахта териш машиналарининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш бўйича ишлаб чиқилган математик моделлари ва алгоритмлари «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2020 йил 2 июндаги 03-07/1027-сон маълумотномаси). Натижада пахта териш машинасининг ишлаш ва технологик параметрларини аниқлик билан бошқарувчи мосламани яратишга имкон берган;

машина-тракторли агрегатларнинг иш режимларини назорат ва диагностика қилиш учун ишлаб чиқилган интеллектуал алгоритмлар «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Узагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2020 йил 2 июндаги 03-07/1027-сон маълумотномаси). Натижада машина-трактор агрегатлари ишини мониторинг қилиш ва диагностика қилиш учун ишлаб

чиқилган ақлли алгоритмлар ва дастурий таъминот пахта териш машинасини 10 дан ортиқ параметрларини кузатиш ва диагностика қилиш учун мониторинг ва диагностика тизимини бир қисми сифатида ишлатишга имкон берган;

пахта териш машиналари технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш бўйича ишлаб чиқилган тизимнинг борт ва аппаратли қисмлари орасида маълумотлар тезкор алмашинувини таъминловчи алгоритмлар «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2020 йил 2 июндаги 03-07/1027-сон маълумотномаси). Натижада пахта териш машиналари технологик параметрларини кузатиш ва диагностика қилиш учун ишлаб чиқилган тизимнинг борт ва аппарат қисмлари ўртасида тезкор маълумот алмашинуви таъминланган;

пахта териш машинаси ишчи режимларини назорат қилиш ва бошқариш учун таклиф этилган интеллектуал ахборот-ўлчов тизими «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2020 йил 2 июндаги 03-07/1027-сон маълумотномаси). Натижада пахта териш машинаси технологик параметрларини кузатиш ва уларнинг ишлашини белгиланган меъзонларга мувофиқ бошқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 13 та халқаро ва 7 та республика илмий-техник конференцияларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари 68 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 25 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан 15 таси хорижий, 20 таси республика журналларда ва 1 та монография нашр қилинган ҳамда 10 та ихтирога патент ва 11 та ЭХМ учун дастурий маҳсулотларни расмий рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 саҳифани, иловалар 73 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Машина-тракторли агрегатларнинг (МТА) эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш ва бошқариш муаммолари” деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги машиналари (хусусан тракторлар ва пахта териш машиналари)нинг технологик жараёнларини ва узеллари ишини назорат қилиш, диагностикалаш ва бошқаришни автоматизациялаш схемасининг мақбул тузилмасини қуриш учун, биринчи навбатда, машина-тракторли агрегатлари узелларининг умумий иш жараёнини тавсифлашнинг зарурияти асослантилди. Ишда ҳал қилинадиган вазифалар белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги машинасининг назорат қилиш ва сошлаш объекти сифатидаги умумлаштирилган тузилмасининг формаллаштирилган схемаси 1-расмда келтирилган. Ишда назорат қилинадиган, назорат қилинмайдиган ва объект бошқа параметрларининг эҳтимолли ҳолатлари ўзгаришининг масалалари кўриб чиқилган.



1-расм. Қишлоқ-хўжалиги машинасининг умумлаштирилган тузилмасининг формаллаштирилган кўриниши

Бу ерда шу қабул қилинганки, машина-тракторли агрегатга якуний вақт оралиғида кирувчи ва бошқарувчи сигналларнинг якуний миқдори келиб тушади, чиқишда эса чиқиш сигналлари шаклланади. Чиқиш сигнали “у” айрим кўпликнинг Y элементи ҳисобланади ва машина-тракторли агрегатнинг ҳолати $q(t)$ бўйича аниқланади. Ўхшаш ҳолда шуни назарда тутиш мумкинки, машина-тракторли агрегат якуний вақт оралиғида фақатгина чиқиш сигналларининг якуний миқдорини чиқариб беради.

Q операторининг хусусий тури бўлиб ҳисобланадиган ва машина-тракторли агрегатнинг t^*+0 лаҳзасида ҳолатини, u бошқарув кириш сигналининг киришини, шунингдек ички ҳолатнинг боғлиқлигини белгиловчи оператор учун белгиланишларни қўллаймиз:

$$q(t^*+0) = B[q(t^*), u, v_s, z_s]. \quad (1)$$

Шунга ўхшаш равишда, машина-тракторли агрегатга t^*+0 лаҳзасида u, z , назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган қўзғатувчи таъсирнинг келиб тушишининг ички ҳолатга боғлиқлиги қуйидаги кўринишда таърифланади:

$$q(t^*+0) = B''[q(t^*), z, v_s, z_s]. \quad (2)$$

Бир вақтнинг ўзида, назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган v ва z қўзғатувчи таъсирнинг бошқариладиган кириш сигнали u билан бир вақтнинг ўзида киришида қуйидаги кўринишда бўлади:

$$q(t^*+0) = B[q(t^*), u, v, z]. \quad (3)$$

Ниҳоят, агарда t^* — чиқиш сигналини y , $+0$ бериш лаҳзасида қуйидагига эга бўламиз:

$$q(t^*+0) = W[q(t^*), u_s, v, z]. \quad (4)$$

Алоҳида ҳолатлар орасидаги интервалларда $q(t)$ қиймати D_t^* операторлари ёрдамида аниқланади, уларнинг кўриниши эса мазкур вақт оралиғи учун дастлабки ҳолат ҳисобланадиган алоҳида ҳолатга боғлиқ:

$$q(t) = D_t[q(t^*+0), u_s, v, z, t]. \quad (5)$$

бу ерда t^* - мазкур вақт оралиғи учун дастлабки ҳисобланадиган алоҳида ҳолатнинг лаҳзасидир, Q тасодифий оператор ҳисобланганлиги боис, унинг шахсий кўринишларга D, B', B'', B ва W узгаришларсиз кўчирилади.

Чиқиш параметрлари (Y) нинг сифат қийматлари ўзгаришининг таҳлили шуни кўрсатдики, улар назорат қилинадиган қўзғатувчи кириш таъсирлардан (v) ҳам, назорат қилинмайдиган қўзғатувчи кириш таъсирлардан (z) ҳам ўзгариб боради.

Ишда машина-тракторли агрегатларнинг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш автоматизациялашга бағишланган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари адабиётларда кўриб чиқилди, хорижий мамлакатларда машина-тракторли агрегатларни ва бошқа аппаратларни автоматизациялаш даражаси ўрганилди. Шунингдек, ишда машина-тракторли агрегатларнинг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш учун хорижий борт тизимларини, шу жумладан пахта териш машинасининг вертикалли шпинделларини Ўрта Осиёнинг мураккаб иқлим шароитлари, пахта териш машинасининг қурилиш хусусиятлари, тизимга хизмат кўрсатилишининг қимматлиги сабабли қўлланилишидаги қийинчиликлари асослантирилган.

Маҳаллий пахта териш машиналари, ТТЗ русумли тракторлар фақатгина двигател тизимлари параметрларини назорат қилувчи асбоблар билан жиҳозланган. Пахтани, ем-хашакларни терувчи, экинларни сочувчи ва бошқа ТТЗ русумли тракторлар билан агрегатлаштириладиган қишлоқ хўжалиги машиналарининг технологик параметрлари назорат қилинмайди.

Машина-тракторли агрегатларни ишлаб чиқарувчилар ва бошқа олимлар томонидан етакловчи ғилдиракни назорат қилиш ва бошқарилишини автоматлаштириш (бурилиш бурчаги) тизими синфида, пахта териш машинасининг терувчи аппаратини ерга нисбатан баландлигини ҳамда унинг ишчи тирқишини созлаш бўйича бир қатор қурилмалар яратилган. Ушбу ишлаб чиқилган қурилмалар ва тизимлар локал характерга эга эканлиги боис амалий қўлланилган. Шу сабабли тадқиқ этиладиган объектларнинг

технологик параметрлари ҳолати, узеллар ишини назорат ва диагностика қилиш усуллари ва воситаларининг таснифи келтирилган диссертация иши бажарилишининг зарурлиги асосланган.

Объектнинг жорий ҳолати ҳақида намойиш этишга, чегаравий қийматларнинг ошишини сигнализациясига эга бўлган, график кўринишдаги рақамли маълумотларни қўллашга асосланадиган машина-тракторли агрегатларнинг ишлаш ишонлилигини назорат ва диагностика қилиш усули асосланган.

Пахта мажмуасининг машина-тракторли агрегатлари ишининг ишончилигини ошириш бўйича машхур усуллар орасида тегишли дастурий таъминотни қўллаш билан масофавий назорат ва диагностика қилишнинг мажмуавий автоматлаштирилиши самаралидир. Пахта териш машиналарининг технологик ўзгарувчиларининг эксплуатацион параметрлари ва ҳолатини диагностикалаш учун фаҳмлашнинг мантиқий услубиятини қўллаш мақбуллиги кўрсатилиб ўтилди ҳамда машина-тракторли агрегатларнинг эксплуатацион-технологик параметрларини масофавий назорат ва диагностика қилиш тизимига қўйиладиган техник талаблар ифодаланди.

Диссертациянинг “Машина-трактор агрегатларининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат қилувчи ва ҳисобга олувчи масофавий тизимнинг ишлаш алгоритмини ва интеллектуал қурилмасини ишлаб чиқиш” деб номланадиган иккинчи бобида ТТЗ-80 русумли трактори базасида пахта териш машинасининг асосий эксплуатацион параметрлари ва узеллари танланди. Барча танланган параметрлар (кўрсаткичлар)ни назорат қилиш ва қайд этиш жараёнларининг тўлиқ автоматизацияланиш назорат қилиш ва ҳисоблаш алгоритмининг ҳамда, микропроцессорли ҳисоблаш қурилмасини тузилишини ҳам мураккаблашувига олиб келади. Дастлабки босқичларда параметрларнинг бир қисмини автоматик, бошқа қисмини эса ярим автоматик равишда назорат қилиш ва қайд этиш имконини берувчи алгоритмини ишлаб чиқиш билан чегараланиш мумкин.

Ишда машина-тракторли агрегатларнинг кўрсаткичларини қуйидаги математик ифодалар (моделлар) кўринишида ҳисоблаш имконини берувчи алгоритмлар ва дастурий таъминотлар таклиф этилди:

- узеллар иш цикллариининг миқдори:

$$K_{p1} = \sum_{i=1}^n K_{p1i}; K_{p2} = \sum_{i=1}^n K_{p2i}; \dots; K_{pj} = \sum_{i=1}^n K_{pji}; \quad (6)$$

- узеллар ишлашининг умумий давомийлиги:

$$T_{\epsilon 1} = \sum_{i=1}^n T_{\epsilon 1i}; T_{\epsilon 2} = \sum_{i=1}^n T_{\epsilon 2i}; \dots; T_{\epsilon j} = \sum_{i=1}^n T_{\epsilon ji}; \quad (7)$$

- узеллар ишлашининг ўртача вақти:

$$T_{1cp\epsilon} = \sum_{i=1}^n T_{\epsilon 1i} / \sum_{i=1}^n K_{p1i}; T_{2cp\epsilon} = \sum_{i=1}^n T_{\epsilon 2i} / \sum_{i=1}^n K_{p2i}; \dots; T_{jcp\epsilon} = \sum_{i=1}^n T_{\epsilon ji} / \sum_{i=1}^n K_{pji}; \quad (8)$$


- узеллар ишламасдан туриб қолишининг вақти:

$$T_{1n} = \sum_{i=1}^n T_{1ni}; T_{2n} = \sum_{i=1}^n T_{2ni}; \dots; T_{jn} = \sum_{i=1}^n T_{jni}. \quad (9)$$

Ишчи вақтнинг қуйидаги миқдорий элементларини баҳолаш лозим: T_1 – иш вақти; T_2 – техник хизмат кўрсатилиши учун тўхтаб туриш вақти; T_3 – технологик ишдан чиқишларни бартараф этиш вақти; T_4 – машинага техник хизмат кўрсатиш вақти; T_5 – техник ишдан чиқишларни бартараф этиш вақти; T_6 – ҳар ойлик техник хизматга сарфланадиган вақт ва ҳ.к.

Ишда юқорида номланган кўрсаткичларнинг назоратини ва қайд этилишини автоматик усул билан белгиланган шартларни бажарувчи тегишли алгоритмик ва дастурий воситаларига эга микропроцессорли тизимларни қўллаш орқали амалга ошириш таклиф этилди.

Қишлоқ-хўжалиги машинасининг назорат қилинадиган узеллари қайта қўшилишлари сонини автоматик ва ярим автоматик назорат қилувчи датчиклардан, нормалаштирувчи органлардан, микропроцессордан (микро-ЭХМ), клавиатура блокидан ва рақамли кўрсатувчи қурилма – дисплейдан (РКМ) иборат қишлоқ-хўжалиги машинасининг эксплуатацион-технологик параметрларининг назоратини ва қайд этилишини амалга оширувчи ихтисослаштирилган микропроцессорли қурилманинг тузилиш схемаси 2-расмда келтирилган.



2-расм. Қишлоқ-хўжалиги машиналарининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат қилувчи ва қайта ишловчи микропроцессорли қурилманинг тузилиш схемаси

Ишлаб чиқилган, тегишли киритиш ва ахборотларни қайта ишлаш алгоритмига эга ихтисослаштирилган микропроцессорли қурилма қишлоқ хўжалиги машинасининг назорат қилинадиган ҳар бир ишчи узелини ишлаш миқдори ва вақтининг ўлчовини амалга оширади. Ишнинг охирида қишлоқ-хўжалиги машинасининг қолган бошқа эксплуатацион-технологик кўрсаткичлари ҳисобланади. Қайта ишланган маълумотлар навбат билан рақамли намойиш этувчи қурилмада кўрсатилади (ёки принтер орқали босиб чиқарилади).

Қишлоқ-хўжалиги машинасининг эксплуатацион параметрларини назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган микропроцессорли тизим асосида пахта териш машинасининг эксплуатацион-технологик параметрларини назорат қилувчи интеллектуал ахборотли-ўлчов тизимининг мантиқий математик моделлари қурилган. Пахта териш машинасининг ишига баҳо берувчи мантиқий математик моделларини қурганда қуйидаги шартли белгиланишлар киритилган: $X_{1ш}$ – шпинделнинг айланиш тезлиги ($x_{1ш}$ – меъёрида, $\bar{x}_{1ш}$ – меъёрдан паст); X_p – пневмотранспорли тизимдаги босим (x_p – меъёрида, \bar{x}_p – меъёрдан паст); X_6 – барабаннинг айланиш тезлиги

($x_{\bar{\delta}}$ – меъёрида, $\bar{x}_{\bar{\delta}}$ – меъёрдан паст); $X_{2ш}$ – барабан юқорироқ тезликка кўшилгандан кейин шпинделнинг айланиш тезлиги ($x_{2ш}$ – меъёрида, $\bar{x}_{2ш}$ – меъёрдан паст) ва ҳ.к.

Бунда, пахта териш машинасининг “НОРМАЛЬНЫЙ РЕЖИМ” шартини таъминловчи математик модели қуйидаги кўринишда таърифланган:

$$Y_{нор} = f(x_{1ш} \wedge x_p \wedge x_q) = f(1 \wedge 1 \wedge 1) = 1 \quad (10)$$

Пахта териш машинаси қуйидаги ҳолатларда нормал ишлаши (“НОРМАЛЬНЫЙ РЕЖИМ”) лозим: $x_{1ш} \geq$ меъёрида; $x_p \geq$ меъёрида; $x_q \geq$ меъёрида.

Пахта териш машинасининг бошқа режимли параметрларининг математик моделини қуришга ҳам ёндашув ўхшаш тарзда шакллантирилган, масалан, қуйидаги шартларда машинанинг тўхташини (тўхташ режими) амалга ошириш лозим, агарда $x_{1ш} \geq$ меъёрида; $\bar{x}_p \leq$ меъёрдан паст; $x_{\bar{\delta}} \geq$ меъёрдан баланд; $x_{2ш} \leq$ меъёрдан паст. Ушбу мантиқий операциялар асосида “ОСТАНОВКА МАШИНЫ” мантиқий математик моделларининг икки варианты қурилган, биринчи вариант:

$$Y_{ост1} = f(x_{1ш} \wedge \bar{x}_p) = f(1 \wedge 0) = 0 \quad (11)$$

иккинчи вариант қуйидаги кўринишга эга:

$$Y_{ост2} = f(x_{1ш} \wedge x_{\bar{\delta}} \wedge \bar{x}_{2ш}) = f(1 \wedge 1 \wedge 0) = 0 \quad (12)$$

Диссертация ишида машина-тракторли агрегатларнинг эксплуатацион параметрларини назорат қилиш ва қайд этиш тизимининг тузилиш схемаси асосида қурилган дастурий симулятордан фойдаланиш таклиф этилган. Симулятор дастурнинг файлларини барча форматлар кўринишида юклаш; симуляция қилинадиган микропроцессорли қурилманинг ресурслари ҳолати ҳақида максимал тўлиқ равишда маълумотларни намойиш эттириш; турли режимларда юкланган дастурни симуляциялаш имкониятларига эга. Созлаш жараёнида модель дастурни бажаради ва компьютернинг экранида унинг жорий ҳолати ҳақида маълумотлар намойиш эттирилади. Дастурий симуляторларнинг хусусияти бўлиб шу шарт ҳисобланадики, симуляторга юкланган дастурларнинг бажарилиши реал вақт масштабидан фарқланадиган вақтда амалга оширилади. Диссертация ишининг мазкур бобида пахта териш машинасининг технологик параметрларини ўзгартирувчи чегараларини танлаш ва асослантириш амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Пахта териш машинасининг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш объектларининг диагностик функциялари математик моделларини синтезлаш”** деб номланган учинчи бобида пахта териш машинасининг пневмотранспортли камераси ҳолатини ҳамда бошқа параметрларини назорат ва диагностика қилиш тизимининг ишлаб чиқиладиган локал қурилмаларни математик моделларини қуриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

Пахта териш машинасининг пневмотранспортли камераси ҳолатини назорат ва диагностика қилиш тизими математик моделининг синтезланиши диагностиканинг танланган усули асосида бажарилди.

Қуйидаги шартли birlikлар қабул қилинган: D_1 – пневмотранспортли камеранинг қониқарсиз ҳолатини баҳоловчи диагноз D_2 – пневмотранспортли камеранинг қониқарли ҳолатини баҳоловчи диагноз ва D_3 – пневмотранспортли камеранинг яхши ҳолатини баҳоловчи диагноз. Бунда кирувчи сигнал-белгилар (пневмотранспорт камерасидаги ҳаво оқимининг тезлиги) ҳолатининг ўзгаришига асосан ҳақиқийлик жадвали тузилган бўлиб, у диагностика қилинадиган қурилманинг турли чиқувчи ҳолатлари комбинациясини акс эттиради.

Пневмотранспортли камерада ҳаво оқимининг тезлигини диагностикаловчи бул функцияларини тузганда x_1, x_2, x_3 кириш сигналларининг пайдо бўлишига кўра D_1, D_2 ва D_3 ҳолатлар-диагноزلарни аниқлаш бўйича таҳлил ўтказилган ҳамда диагностикалаш аниқлигига таъсир этувчи омиллар белгиланган. Диагностикалашнинг ишончлилигини ошириш учун кириш ҳолатларининг таркибига қўшимча ҳолатларни киритиш ёки битта диагнозни бошқасидан аниқ фарқлашга имкон берувчи чораларни қабул қилиш таклиф этилди.

1-жадвалда ҳақиқийлик жадвали тақдим этилган бўлиб, у x_1, x_2, x_3 кириш сигналларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган чиқиш ҳолатларининг пайдо бўлишини баҳолашнинг мураккаблиги ва ноаниқлигини ҳисобга олган ҳолда қурилган.

Ҳақиқийлик жадвали

Т/р	Киришнинг ҳолати	Чиқишнинг ҳолати			Белгилар ҳолати
1	0	0	0	0	Имконсиз ҳолат
2	1	0	0	1	диагнозининг белгиси
3	1	0	1	0	диагнозининг белгиси
4	1	0	1	1	Имконсиз ҳолат
5	1	1	0	0	диагнозининг белгиси
6	1	1	0	1	Ноаниқ ҳолат
7	1	1	1	0	Ноаниқ ҳолат
8	1	1	1	1	Имконсиз ҳолат

Қониқарсиз ҳолатнинг (D_1) белгиси мавжудлигини тўғри баҳолаш учун 1-жадвалда ягона бул функцияси қабул қилинган бўлиб, у 1-жадвалнинг бешинчи қаторини таърифлайди:

$$D_1 = y_1 \vee \overline{y_2} \vee \overline{y_3} \quad (13)$$

Ўхшаш тарзда ва белгилари қониқарли ва яхши ҳолатининг ягона белгиларини тегишлича таърифловчи бул функциялари танланган:

$$D_2 = \overline{y_1} \vee \overline{y_2} \vee \overline{y_3}, \quad (14)$$

$$D_3 = \overline{y_1} \vee \overline{y_2} \vee y_3. \quad (15)$$

1-жадвалнинг охириги бул функциялари белгиларнинг ноаниқ ҳолатларини акс эттиради. 1-жадвал бўйича кирувчи сигналларга боғлиқ бўлган диагностик функцияларини таърифловчи тенгламалар тизими қурилган. Тегишли диагнозлар белгиларининг ҳолатини баҳоловчи қурилган тенгламалар тизимини таҳлили шуни кўрсатдики, кўплаб ноаниқ белгилар бўлганлиги боис фақатгина келтирилган кириш сигналлари ва чиқиш ҳолатлари билан пневмотранспортли камеранинг ҳақиқий ҳолатини баҳолашнинг имкони мавжуд эмас. Шу боис, тадқиқот ишида ноаниқ диагностик функцияларини чиқариб ташлаш усулини қўллашга асосланган назорат ва диагностика қилиш аниқлигини ошириш усули таклиф этилган. Бунинг учун фотоэлектрли датчики орқали қўшимча назорат сигналинини киритиш ва ахборот узатилишини такрорлаш таклиф этилди.

Янги тузилган жадвал ва бул функциялари кўринишидаги тенгламалар тизими асосида қуйидаги дизъюнктив-конъюнктив нормал шаклларида (ДКНШ) D_1 , D_2 , D_3 диагнозларини шакллантирувчи ягона бул функциялари тузилди:

D_1 диагнози учун:

$$D_1 = (\bar{y}_1 \vee y_2 \vee y_3 \vee \bar{y}_4) \wedge (\bar{y}_1 \vee y_2 \vee y_3 \vee y_4) \quad (16)$$


D_2 диагнози учун:

$$D_2 = (y_1 \vee \bar{y}_2 \vee y_3 \vee \bar{y}_4) \wedge (\bar{y}_1 \vee \bar{y}_2 \vee y_3 \vee \bar{y}_4) \wedge (y_1 \vee \bar{y}_2 \vee y_3 \vee y_4) \wedge (\bar{y}_1 \vee \bar{y}_2 \vee y_3 \vee y_4) \quad (17)$$

D_3 диагнози учун:

$$D_3 = (y_1 \vee y_2 \vee \bar{y}_3 \vee \bar{y}_4) \wedge (y_1 \vee \bar{y}_2 \vee \bar{y}_3 \vee \bar{y}_4) \wedge (y_1 \vee y_2 \vee \bar{y}_3 \vee \bar{y}_4) \wedge (\bar{y}_1 \vee y_2 \vee \bar{y}_3 \vee \bar{y}_4) \wedge (y_1 \vee \bar{y}_2 \vee \bar{y}_3 \vee \bar{y}_4) = (\bar{y}_1 \vee \bar{y}_2 \vee y_3 \vee y_4) \wedge (\bar{y}_1 \vee y_2 \vee y_3 \vee y_4) \quad (18)$$

Ишда пахта териш машинасининг алоҳида параметрларини назорат қилувчи қурилмаларини диагностик функциялари-математик моделини қуриш вазифаси қўйилган ва унинг ечими берилган. Бунинг учун таянч маълумотлар ифодаланган (масалан назорат қилинадиган шпинделларнинг $N_{ш}=6$ ва датчикларнинг $N_{д}=6$ миқдори). Олтита шпинделларнинг нормал айланишида олтита датчикларнинг чиқишларида шакллантириладиган импульсларнинг максимал миқдори қуйидагига тенг бўлади: $n_{од}=6 \times 4=24$ имп. ва ҳ.к. Кейинчалик шпинделлар диагностикасининг максимал эҳтимоллиги қийматини $P(t)=1$ қабул қилган ҳолда олтита датчикдан шакллантириладиган импульсларнинг миқдорий сонига боғлиқ олтита айланувчи шпинделлар ҳолати эҳтимоллигининг мослигини жадвали тузилган. Бунда шартли равишда шу қабул қилиндики, нормал айланувчи шпинделларнинг қоникарли ҳолати 75% дан ортиғини ташкил этади (шпинделларнинг умумий миқдоридан); шпинделлар қоникарли ҳолатига импульсларнинг умумий миқдоридан (24 та) 18 та импульс мос келади. Ҳақиқийлик жадвалига мувофиқ дизъюнктив нормал шаклида олтита шпинделлар айланиш тезликларининг эҳтимолий қоникарли ва қоникарсиз ҳолатларини акс эттирувчи математик моделлари тузилган. Шунга ўхшаш равишда пахта териш машинасининг вентиляторлари ($P_{y2в}$) ва съёмникларнинг ($P_{y6с}$) ишлаши ҳақида математик моделлари




4-расм. Пахтани териш машинасининг ҳолати ҳақида маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш алгоритми

Диссертациянинг “Машина-тракторли агрегатларнинг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш масофавий тизимининг қурилмалари ва техник воситаларини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида пахта териш машинасининг ишлаб чиқилган математик моделлари, тузилмавий схемалари, узелларини назорат қилиш, диагностикалаш ва бошқариш алгоритмлари асосида машина-тракторли агрегатларнинг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш тизими локал қурилмаларининг ишлаб чиқилиши ва тадқиқ этилиши амалга оширилди, жумладан электромагнитли, фотоэлектрли ва потенциометрик датчиклари базасида терувчи аппаратнинг ишчи тирқишлари кенглигини назорат қилиш ва созлаш бўйича микропроцессорли қурилмаси ишлаб чиқилди, электромагнитли чизиқли силжувчи ўзгартиргичнинг мақбул параметрлари ҳисобланди.

Диссертация ишида, терувчи аппаратнинг ишчи тирқишларини назорат қилиш ва созлаш тизими таркибида муваффақиятли синовдан ўтказилган чизиқли силжувчи фотоэлектрик ва потенциометрик датчиклари базасида терувчи аппаратнинг ишчи тирқишини назорат қилиш ва созлаш микропроцессорли қурилманинг такомиллаштирилган вариантлари ишлаб чиқилган ва муваффақиятли синовлардан ўтказилган. Инфрақизил нурлантиргич асосидаги силжувчи фотоэлектрик датчигини ишчи тирқиш кенглигининг ўзгаришига кўра чиқиш кучланиши ўзгаришининг боғлиқлиги тадқиқ этилган. Териш аппаратининг ишчи тирқиши кенглигининг ўзгаришига кўра чиқиш сигналларнинг боғлиқлиги чизиқли кўринишга эга.

Микро-ЭХМ асосида АТМЕГА 8 русумли микроконтроллердан фойдаланилган. Назорат қилиш ва бошқариш тизими аппарат қисмининг умумий кўриниши 5-расмда келтирилган.




5-расм. Тизим аппарат қисмининг (назорат қилиш ва бошқариш блоки) умумий кўриниши (а) олдиндан кўриниши; (б) монтаж схемада назорат қилиш ва бошқариш тизими элементларининг жойланиши

Териш аппаратининг ишчи тирқишини назорат қилиш ва бошқариш микропроцессорли тизимнинг динамик тавсифлари тадқиқ этилди. Дала шароитларида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида тизим барқарор ишлаши ҳамда МХ-1,8 русумли пахта териш машинасида ишлаш

талабларига жавоб берувчи сифат кўрсаткичларига эга эканлиги тасдиқланди. Шунингдек, бу ерда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентланган пахта териш машинасининг шпинделлари айланиш тезлигини назорат ва диагностика қилишни автоматизациялаш бўйича ишлаб чиқилган қурилмаларнинг вариантлари келтирилди.

Диссертациянинг **“Пахта териш машинасини назорат ва диагностика қилиш тизимларининг аниқлигини ошириш”** деб номланган бешинчи бобида пахта териш машинасининг технологик параметрларини назорат ва диагностика қилиш тизими қурилмаларининг хатоликлари таҳлили ва тадқиқоти ўтказилди.

Дискрет тизимлар хатоликларининг таснифланиши таклиф этилди, бунда шу кўрсатилдики, назорат қилиш ва қайд этиш қурилмаларининг мўлжалланиши ҳамда ўлчовларни ўтказиш услубиятига кўра тадқиқ этиладиган хатоликларнинг тури ва характери ҳар хил бўлиши мумкин. Кўриб чиқиладиган қурилмага аппаратли, услубий, динамик, конструктивли ва бошқа турдаги хатоликлар хос. Пахта териш машинаси узелларининг ишлаш давомийлигини ўлчаниши кўп маротабали ўтказилганлиги, уларнинг қайд этилиши эса рақамли қурилмалар амалга оширилганлиги боис асбобнинг (В) кўрсаткичларини ҳамда миқдорий хатоликларни (К) ҳисобга олган ҳолда ўлчовлар миқдорига боғлиқ бўлган узелнинг умумий ишлаш вақти (Т) қуйидаги формула бўйича аниқланади: . Тадқиқот ишида пахта териш машинасининг эксплуатацион параметрларини назорат қилувчи ва қайд этувчи қурилманинг бошқа хатоликлари ҳам кўриб чиқилган. Ушбу қурилмани битта каналининг соддалаштирилган блок-схемаси 6-расмда келтирилган.



6-расм. Пахта териш машинасининг эксплуатацион параметрларини назорат қилувчи ва қайд этувчи қурилмани битта каналининг соддалаштирилган блок-схемаси

Узелнинг ишлаш давомийлигини билдирувчи вақт оралиғи солиштириш схемасининг чиқишида вақтида пайдо бўладиган барқарор частотанинг квантли импульслари миқдорини ҳисоблаш орқали генерациялаштирилади . Частоталар бўлгичи томонидан киритиладиган хатоликни деб белгилаймиз, унда фойдаланиш шартларининг ўзгаришига кўра тадқиқ этиладиган назорат қилиш ва қайд этиш қурилмасининг умумий хатолиги қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

$$\tau = \sum_{i=1}^n \tau_i \pm \tau \sum_{i=1}^j \tau_i = \tau_r + \tau_d + \tau_{KB} + \tau_{dr} + \tau_{\Delta t} \pm (\tau_{ac} + \tau_f + \tau_{ПР} + \tau_{вых} + \tau_{ПОМ}). \quad (21)$$

Бирламчи бошқарув органларида рационал жойлаштирилган индуктивли датчиклар юқори сезувчанликка, чиқиш маълумотларини кўрсатадиган қурилмалар эса минимал хатоликка эга эканлигини ҳисобга олиб, қуйидаги натижани оламиз:

$$\tau_r = 0; \quad \tau_{\text{ИП}} = 0; \quad \tau_{oc} = 0; \quad \tau_{\text{бых}} = 0.$$

Бу ердан (21) ифодани қуйидаги кўринишда изоҳлаш мумкин:

$$\tau = \sum_{i=1}^n \tau_i \pm \tau \sum_{i=1}^j \tau_i = \tau_d + \tau_{\text{KB}} + \tau_{dr} + \tau_{\Delta t} \pm (\tau_f + \tau_{\text{ПОМ}}). \quad (22)$$

Тадқиқ этиладиган қурилманинг умумий хатолиги барча тизимли хатоликлар ва ўртақвадратли оғишлар катталикларининг миқдоридан ташкил топади:

$$\tau = \sum_{i=1}^n \tau_{ic} \pm \sum_{i=1}^n \sigma_i, \quad (23)$$

бунда $i = 1, 2, \dots, n$,

$$\sum_{i=1}^n \tau_{ic} = \tau_{\text{KBC}} + \tau_{\partial c} + \tau_{\partial rc} + \tau_{\Delta t} + \tau_{fc}, \quad (24)$$

$$\sum_{i=1}^n \sigma_i = \sqrt{\sigma_{\text{KB}}^2 + \sigma_{\partial r}^2 + \sigma_{\partial}^2 + \sigma_{\Delta t}^2 + \sigma_f^2}. \quad (25)$$

(24) ва (25) ифодаларни ҳисобга олиб, (23) ифодани қуйидагича ёзамиз:

$$\tau = \tau_{\text{KBC}} + \tau_{\partial rc} + \tau_{\partial c} + \tau_{\Delta t} + \tau_{fc} + \sqrt{\sigma_{\text{KB}}^2 + \sigma_{\partial r}^2 + \sigma_{\partial}^2 + \sigma_{\Delta t}^2 + \sigma_f^2}. \quad (26)$$


(20) ва (23) ифодаларга мувофиқ пахта териш машинасининг эксплуатацион параметрларини автоматик назорат қилиш ва қайд этиш қурилмаси учун умумий хатоликларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишда узеллар умумий ишлаш вақтини оламиз:

$$T = B + K(\tau_{\text{KBC}} + \tau_{\partial rc} + \tau_{\partial c} + \tau_{\Delta t} + \tau_{fc} \pm \sqrt{\sigma_{\text{KB}}^2 + \sigma_{\partial r}^2 + \sigma_{\partial}^2 + \sigma_{\Delta t}^2 + \sigma_f^2}). \quad (27)$$

Ушбу хатоликларни камайтириш мақсадида датчиклар сўроқ қилинишининг частотасини ошириш таклиф этилди. Тизимли хатоликларни мувофиқлаштирувчи схемалар ёки дастурлар ёрдамида сошлаш мумкин. Тадқиқот ишида пахта териш машина тракторининг етакловчи ғилдираги ҳолатини назорат қилувчи микропроцессорли қурилма яратилди. Пахта териш машинасининг самарали ишлаши, механизаторининг етакловчи ғилдиракнинг ҳолатини назорат қилиниши ва уни бошқариш аниқлигига боғлиқ. Бурилиш бурчагини назорат қилиш датчики доирасимон айланувчи потенциометрдан иборат бўлиб, қаршилиқнинг катталиги ўзгаришига етакловчи ғилдиракнинг, бурилиш бурчагини ўзгартирувчи сезувчан элементи сифатида хизмат қилади. Датчик бурилиши бурчагининг диапазони $\pm 90^\circ$ градусни ташкил этади. Қайта ишланган рақамли сигналнинг аниқлиги аналогли сигнални квантлаш қадамига ва микроконтроллернинг хотирасига ёзилган маълумотларга ишлов бериш алгоритмига боғлиқ.

Датчиклар бир текисликда жойлашувининг конунига мувофиқ ўлчанадиган функциянинг $F(X)$ даражаси бўйича бурилишнинг чап/ўнг бурчагини дискретизациялаш жараёнини даража бўйича бир текисликда

квантлаш графика кўринишида тақдим этиш мумкин. Тасодифий хатоликнинг қийматини тадқиқ этилишини участкада X_1 дан X_2 гача квантлашнинг бир қадами билан амалга оширилади. Бунда шу кўзда тутиладики, қишлоқ хўжалиги машиналари ғилдиракларининг ўлчанадиган бурилиш бурчаклари эҳтимолликларнинг доимий зичлиги билан X_1 дан X_2 гача (7-расм) охириги оралиқ чегараларида қийматлардан иборат тасодифий катталикларга эга бўлиши мумкин. Унинг $-\infty$ дан X_1 гача участкасидаги тақсимланиш функцияси (7, а – расм) нолга тенг, X_1 дан X_2 гача участкада 0 дан 1 гача чизиқли ошади, X_2 дан $+\infty$ гача участкасида эса 1 га тенг.



7-расм. Пахта териш машинасининг ғилдиракларининг бурилиш бурчагини аниқлаганда дискретлаш хатолиги эҳтимоллигининг тақсимланиши ва зичлик функцияси

Тақсимланиш зичлигининг эҳтимоллиги 7,б - расмида келтирилган кўринишга эга бўлиб, қуйидагича ёзилади:

$$\begin{cases} p(x) = 1/(x_2 - x_1) = const, \text{ агар } X_1 < X < X_2 \text{ бўлса} \\ p(x) = 0, \text{ агар } X < X_1 \text{ ва } X > X_2 \text{ бўлса} \end{cases} \quad (28)$$

Даража бўйича квантлашнинг максимал хатолиги $\Delta_{\text{ку max}} = \pm q/2$ тенг бўлади. Шунга ўхшаш равишда $F(X) = \lambda(t)$ функциясини квантлаш натижасида унинг дискрет қийматлари қаторини танлаб олиш мумкин. Демак, қишлоқ хўжалиги машинаси ғилдиракларининг бурилиш бурчагининг диапазонини (жами 90°) таърифловчи функцияни квантлаш даражаларининг N сонига бўлиш мумкин. Бунда квантлаш даражаларининг N сони $N-1$ интерваллар сонидан 1 га кўпроқ бўлади. Хатолик тақсимланишини дискретликка тенглигини қабул қилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ушбу тақсимланишнинг асосий катталиги ҳисобланади, ўртакватратли оғиш эса қуйидагига тенг бўлади:

$$\sigma_d = v_{m\sigma} / \sqrt{3} = 1,38 / \sqrt{3} = 0,82\%.$$

Бир текисда тақсимланиш учун қуйидаги хатоликлар параметрлари белгиланди: энтропийли коэффициент $k=1,73$; эксцесс $\varepsilon_1=1,8$; контрэксцесс $\chi=0,745$.

Тадқиқот ишида шпинделлар айланиши тезлигини ўлчаш хатолигини камайтириш учун частотани ёки датчиклар томонидан шакллантириладиган

